



ЖИНОЯТЛАРНИНГ СОДИР ЭТИЛИШИ САБАБЛАРИНИ ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШДА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАРНИНГ ҲАМКОРЛИГИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Муҳсинбек ХОЛМИРЗАЕВ

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар академияси мустақил
изланувчиси

e-mail: muhsinbekx_lawyer@mail.ru

Tel: +998972944995

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10579013>

ARTICLE INFO

Received: 23th January 2024

Accepted: 28th January 2024

Online: 29th January 2024

KEY WORDS

Жиноятларнинг содир этилиши сабаблари, эксперт-таҳлил гуруҳлари, тана камералари, юзни таниб олиш, рақам белгиларини аниқлаш, ядро аналитикаси, нейрон тармоқлари, эвристик двигателлар, рекурсион процессорлар, Байес тармоқлари, маълумотларни йиғиш, криптографик алгоритмлар, ҳужжат процессорлари, ҳисоблаш лингвистикаси, овоз изини идентификация қилиш, табиий тилни қайта ишлаш, юриш таҳлили, биометрик таниб олиш.

ABSTRACT

Мазкур мақолада бугунги кунда жиноятларнинг содир этилиши сабабларини тизимли таҳлил қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзаро ҳамкорлигининг умумий аҳволи, соҳадаги камчиликлар, ҳамкорлик натижадорлигини оширишда хорижий тажриба ва миллий тажрибанинг қиёсий таҳлили ҳамда келажакда мазкур соҳада идоралараро ҳамкорлик қандай бўлиши ҳусусидаги асосли гипотезалар ўз аксини топган.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг яқин ҳамкорлиги асосида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатдан янги тизимини жорий этиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоялашни таъминлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Бироқ, олиб борилган мазкур ислохотлар бугунги кунга келиб ўзининг таъсири ҳамда аҳамиятини йўқотмоқда.



Эндиликда жиноятчиликка қарши курашишда жиноятларини фожияга айлантириш, тергов қилиш, жиноятлар содир этилган, улар ҳақида тарғибот-ташвиқот тадбирларини амалга ошириш самара бермасдан қолди.

Бу усулларнинг эскирганлиги, аҳоли сонининг карага ўсиши, ижтимоий муносабатлар соҳасининг масштаби кенгайиши, жиноятларнинг сон жиҳатидан кўпайиши билан чамбарчас тўғлиқдир.

Эндиликда, жиноятларнинг **содир этилиши механизмлари, уларнинг келиб чиқиш сабабларини, жиноят содир этилиши учун шарт-шароитларни илмий-таҳлил** қилиш орқали ҳамда уларни замонвий гаджетлар ва дастурий таъминотлар орқали эрта аниқлаш, уларни олдини олиш жиноятчиликка қарши курашишнинг устувор йўналишига айланиб бораётганлигини замоннинг ўзи кўрсатмоқда.

Мазкур фаолиятда мамлакатдаги **криминоген вазиятни ўта аниқликда белгилаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича амалдаги механизмларнинг долзарб муаммо ва камчиликларини аниқлаш**, шунингдек, уларни такомиллаштиришнинг ҳар томонлама ўйланган истиқболларини ишлаб чиқиш имконини берувчи жиноий-ҳуқуқий статистикани юритиш ва жиноятларни таҳлил қилишнинг самарали тизимини жорий этиш муҳим ўрин эгаллайди.

Шу билан бирга, жиноятчилик ҳолати статистикасини юритиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, тизимли таҳлил ва сифатли назоратни йўлга қўйиш, жиноятларни кримпрогноزلашда прокурор назоратини амалга оширишда маълумотларнинг аниқ, ишончлилиги ва янада малакали қайта ишлашни таъминловчи **замонавий ахборот технологияларини жорий этиш орқали маълумотларни йиғиш** ва қайта ишлаш бўйича амалдаги механизмларни такомиллаштириш зарурати мавжуд.

Барчамизда маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 31.10.2018 йилдаги Жиноий-ҳуқуқий статистика тизимини тубдан такомиллаштириш ва жиноятларни тизимли таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПФ-5566-сонли фармони асосида Ҳуқуқи муҳофаза қилувчи органлар академияси тузилмасида **Жиноятларнинг содир этилиши сабабларини тизимли таҳлил қилиш ва ўрганиш маркази** ташкил этилган.

Марказнинг вазифалари сифатида, жиноятлар содир этилишининг сабаб ва шароитларини ўрганиш ҳамда диагностика қилиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, шу жумладан, алоҳида турдаги жиноятларнинг олдини олиш ҳолатини таҳлил қилиш, жиноятчилик аҳволи ўзгаришларини криминологик прогноз қилиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини методологик ва консултатив таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг ижро этилишини мониторинг қилиб бориш ва жиноят турлари, жиноятчи ва жабрланувчиларнинг шахси



бўйича илмий-амалий изланишлар олиб бориш каби қатор вазифалар белгилаб берилган¹.

Мазкур Фармондан кўзланган мақсад ва вазифаларга эришиш мақсадида 2019 йил 15 февралда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги биргаликдаги Жиноятларнинг содир этилиши сабабларини тизимли таҳлил қилиш ва ўрганишда идоралараро ҳамкорлик самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қўшма қарори ишлаб чиқилган.

Мазкур қўшма қарорда доирасида Республиканинг ҳар бир туман (шаҳар)ида туман **прокурорлари раҳбарлигида эксперт-таҳлил гуруҳ** ташқил этилган бўлиб, уларнинг таркибига тегишли прокуратура, ички ишлар, аллия, давлат солиқ, божхона, соғлиқни сақлаш, бандлик ва меҳнат муносабатлари, таълимни бошқариш органлари, хотин-қизлар қўмиталари, ўзини-ўзи бошқариш органлари, "Нуроний" жамғармаси, "Маҳалла" фонди, Ёшлар иттифоқи вакиллари киритилди.

Шунингдек, Марказ ва эксперт-таҳлил гуруҳлари фаолиятига органлари масъул ходимлари, олимлар, психологлар, ҳуқуқшунослар иктисодчилар, шунингдек хорижий экспертлар ва бошка мутахассислар жалб этилиши мумкинлиги белгиланган.

Бироқ, қайд этиш жоизки, марказ ва эксперт таҳлил гуруҳлари жиноятлар содир этилишининг сабаб ва шароитларини ўрганиш ҳамда диагностика қилиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, шу жумладан, алоҳида турдаги жиноятларнинг олдини олиш ҳолатини таҳлил қилиш, жиноятчилик аҳволи **ўзгаришларини криминалогик прогноз қилиши** шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини методологик на консультатив таъминлаши лозим.

Бироқ, шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, эксперт таҳлил гуруҳлари томонидан жиноятчиликдаги ўзгаришларни айнан қандай тартибда, қандай метод ва усуллардан фойдаланган ҳолда амалга ошириши лозимлиги **ҳақида муайян бир ҳуқуқий асослар мавжуд эмас.**

Шу сабабли, жиноятчиликни криминалогик прогнозлаш соҳасини тартибга солувчи норматив характердаги қонун ҳужжатин қабул қилиш зарурати мавжуд.

Ушбу ҳолатлар статистик маълумотлар ва бошқа турдаги маълумотлар билан ишлаш механизмларини шаклланмаганлигидан далолат беради.

Жиноятчиликнинг содир этилиши сабаблари таҳлил қилишда, башорат қилишда аниқ бир алготирмнинг мавжуд эмаслиги маълумотларнинг маълум бир субектнинг "фантазияси"га асосланган ҳолда таҳлил қилинишига асос бўлмоқда.

Бундан ташқари, жиноятчиликни кримпрогнозлашда фойдаланилаётган маълумотларнинг **ишончлилиги, асослилиги ва меъёри** ҳақида ҳам **бирор бир мезонлар мавжуд эмас.**

Бу каби ҳолатлар эса ўз навбатида барча туман (шаҳар)ларда турлича қарашларни шаклланишига натижада эса ягона муқобил амалиётнинг вужудга келишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмасдан қолмайди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 31.10.2018 йилдаги Жиноий-ҳуқуқий статистика тизимини тубдан такомиллаштириш ва жиноятларни тизимли таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПФ-5566-сонли фармони



Туман (шаҳар)ларда ташкил этилган эксперт-таҳлил гуруҳлари **ҳар олти ойга мулжалланган иш режаларини ишлаб чиқиши** белгиланган бўлсада, бироқ амалиётда режалаштиришнинг тахминлар ва чора-тадбирларнинг натижадорлиги етарлича баҳоланмаслиги оқибатида ишлаб чиқиладиган иш режалар асосан ўз самарасини бермасдан келмоқда.

Эксперт-таҳлил гуруҳлари томонидан 6 ойлик таҳлил жорий йилдаги содир этилган жиноятларнинг тоифаларидан келиб чиққан ҳолда тузилади.

Мисол учун, 2021 йилда Хўжали тумани ҳудудида 14 турдаги жиноятлар содир этилган бўлса, 2022 йилда эса 24 турдаги жиноятлар содир этилган. Эксперт таҳлил гуруҳлари томонидан эса 14 турдаги жиноятнинг содир этилишини олдини олиш юзасидан иш режа ва унинг асосида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Бу каби ҳолатларнинг юзага келишига, жиноятчиликнинг кримпрогнозлаш тартиби, даврлари, методларининг назарий асослари яратилмаганлиги сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, ходимлар томонидан олиб борилган усул ва воситалар унинг ўрнига келган ходимлар томонидан давом этирилмаслиги натижада эса дастлабки белгилаб олинган чора-тадбирларнинг якунига етмаслиги, натижадорлигини баҳолашнинг имкони бўлмаслигига олиб келмоқда.

Шу сабабли эксперт таҳлил гуруҳларининг фаолиятини такомиллаштириш, мазкур соҳани рақамлаштириш зарурати мавжуд.

Қайд этиш жоизки, Марказ ва эксперт-таҳлил гуруҳлари томонидан берилган **хулоса тавсиялар** ҳукукбузарликлар профилактикасига масъул бўлган ташкилотлар томонидан кўриб чиқилиши ҳамда натижаси буйича маълум қилиниши шартлиги белгиланган.

Бироқ, тавсия ва хулосалар асосан бир маротабаalik аҳамиятга эга бўлиб, умумий амалиётнинг ажралмас қисмига айланмасадан келмоқда.

Хулоса ва тавсияларни марказларни марказлаштирилган ҳолда таҳлил қилиш ва фақат статистик маълумотларга таяниб қолиш натижасида чора-тадбирлар етарли даражада ишлаб чиқилмасдан қолмоқда.

Барчамизда маълумки, ҳудудлар ўзининг жойлашуви, географик хусусиятлари, тибияти, демографик жиҳатлари билан бир бирдан фарқланади.

Шу сабабли, фикримизча, туман (шаҳар)ларда **профессional кадрлар корпусидан иборат бўлган ҳудудий жиноятчилик лабораторияларини ташкил этиш лозим деб ҳисоблаймиз.**

Жиноятни башорат қилиш ва олдини олишда турли усулларини қўллаш орқали ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг фаолият сценарийсини ўзгартириши ва бу орқали натижадорликни тизимли давомий таъминлашга эришиш мумкин.

Яқин келажакда МЛ ва компьютерни кўришни, кузатув камералари ва аниқлаш доиралари каби хавфсизлик ускуналари бирлаштириб, машина аввалги жиноятлар нақшини ўрганиши орқали аслида жиноят нима эканлигини тушуниши ва инсон аралашувисиз келажакдаги жиноятларни аниқ башорат қилиши мумкин.

Ушбу ҳолатни амалга ошириш учунтоифа жиноятларини классификация қилиш ҳамда уларни маълум бир дастурий таъминотда алгоритминини ишлаб чиқиш мумкин.



Ҳозирги кунда бир қатор давлатларда шунга ўхшаш дастурий таъминотлар ишлаб чиқилган бўлиб, мисол учун АҚШ ларида ўз самарасини бериб келаётган **“Predpol” дастури**ни келтиришимиз мумкин. Мазкур дастурдан фойдаланиш орқали жиноят содир этилиши мумкин бўлган “қайноқ ҳудудлар”, “вақт” ҳақида берилган маълумотлар асосида жиноятчиликнинг кўрсаткичлари 20 фоизга камайиши сезилган².

Жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида АКТ имкониятларидан кенг фойдаланиш эвазига ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини **огоҳлантириш ва прогноз зонасида** кўпроқ назоратни амалга ошириш орқали жиноят содир этилишининг олдини олиш мумкин.

Жиноятнинг кримпрогнозлашда турли-туман замонвий гаджетлар асосида таҳлил қилиш лозим.

Ҳозирги кунда илғор хориж давлатларида тана камералари, юзни таниб олиш, рақам белгиларини аниқлаш, ядро аналитикаси, нейрон тармоқлари, эвристик двигателлар, рекурсион процессорлар, Байес тармоқлари, маълумотларни йиғиш, криптографик алгоритмлар, ҳужжат процессорлари, ҳисоблаш лингвистикаси, овоз изини идентификация қилиш, табиий тилни қайта ишлаш, юриш таҳлили, биометрик таниб олиш, шаблонларни таҳлил қилиш, таҳдидларни талқин қилиш, аниқлаш, таҳдидларни таснифлашда АКТ имкониятларидан кенг фойдаланиб келмоқда³.

Биз томонимиздан илгари сурилаётган таклифларимиз натижасида, кримпрогнозлаш тўлиқ компьютер техникаси томонидан таҳлил қилиниб, натижаси тайёр ҳолда фойдаланишга тақдим этилади ҳамда инсонларнинг ўзаро таъсирисиз ишлайди.

Жиноятларни башорат қилишнинг замонавий воситалари ва усулларини қўллаш ҳуқуқбузарлик ҳолатларини камайтириш орқали жамиятда хавфсизлик даражасини оширади.

Прогнозли чора-тадбирларга сармоя киритиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мавжуд ресурсларни бошқариш ва уларни жиноят содир этиш эҳтимоли юқори бўлган жойларни доимий назоратда сақлашда ёрдам бериш орқали уларнинг самарадорлигини оширади.

Бундан ташқари, самарали воситалар профилактика ва жамият осойишталигини таъминловчи орган раҳбарлари томонидан қабул қилинадиган **қарорларнинг аниқлиги ва сифатини оширади**. Башоратли полиция тушунчаси инсон хатти-ҳаракати катта маълумотларни таҳлил қилиш орқали ўрганилиши мумкин бўлган маълум нақшларга амал қилишига асосланади. Бу ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида катта маълумотлар тушунчасининг долзарблигини оширади.

Замонавий технологиялар ва сунъий интелект асосига қурилган гаджетлар қисқа вақт ичида кўплаб маълумотларни таҳлил қилиш имконини бериб, прогнозли полицияда катта маълумотлардан кенг фойдаланишга ҳисса қўшади.

Турли технология компаниялари томонидан ишлаб чиқилган дастурий таъминот ва компьютер дастурлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ҳуқуқбузарликларни

² https://www.law.msu.ru/pages/nauchno-obrazovatelnyy-centr-kriminologicheskikh-issledovaniy_441

³ <https://vciba.springeropen.com/articles/10.1186/s42492-021-00075-z>



башорат қилишда тизимли ва алгоритмга асосланган маълумотларни қўллаш имконини берди, бу эса самарадорлик даражасини оширди.

Юқорида келтирилган ҳуқуқий-ижтимоий ва ҳуқуқий-иқтисодий таҳлиллар натижасида қуйидагиларини хулоса қилишимиз мумкин.

Биринчидан, жиноятларнинг содир этилиши сабабларини тизимли таҳлил қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзаро самарали ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида суний интеллектга асосланган дастурий таъминотини жорий этиш лозим.

Иккинчидан, туман (шаҳар)ларда ташкил этилган жамоатчилик шаклида фаолият юритаётган эксперт-таҳлил гуруҳларининг фаолиятини такомиллаштириши зарурати мавжуд. Шу сабабли профессионал кадрлар корпусидан иборат ҳудудий прокуратуралар ҳузурида жиноятчилик криминалистик ва криминологик лабораторияларини ташкил этиш лозим.

Учинчидан, жиноятчиликни криминологик прогнозлаш фаолияти юзасидан соҳавий буйруқларни ва йўриқномаларни ишлаб чиқиш лозим.

Тўртинчидан, жиноятчиликни кримпрогнозлаш натижасида олинган маълумотларни баҳолаш тартиб таомилларни беолгилаш.

References:

1. Криминология: Учебник/под ред. проф. Малкова В.Д. - ЗАО Юстицинформ, 2004 г.
2. <https://lex.uz/> — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
3. Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-2833-сон Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг, 2018 йил 31 октябрдаги Жиноий-ҳуқуқий статистика тизимини тубдан такомиллаштириш ва жиноятларни тизимли таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида ПФ-5566-сон Фармони.
6. Кабанов П.А. Современная криминология: структура, методика и тенденции развития: учебное пособие. Нижний Новгород: Нижегородская академия МВД России, 2018. 125 с.
7. <https://www.law.msu.ru/pages/nauchno-obrazovatelnyy-centr-kriminologicheskikh-issledovaniy-441>
8. <https://vciba.springeropen.com/articles/10.1186/s42492-021-00075-z>